

«Канчадан-канча кишлок-шахарлар борки, ўз Парвардигорлари ва Унинг пайгамбарлари амридан бош тортгандирлар, бас, Биз улардан каттик ҳисоб-китоб олганмиз ва ёмон азоб билан азоблаганмиз. Бас, у (кишлок-шахарларнинг) ахли ўз иш-киллиларининг зиёнини тотдилар ва бу ишларининг оқибати зиён тортиш – халокат бўлди». (Талок сураси, 8-9)

Бу дахшатли фожиа ёз кунларининг бирида рўй берди. Тинимсиз пишкираётган Везувий огзидан отилиб чиққан кайнок кул ва лава одамларни тириклайин жизганакка айлантирар, кочишга улгурмаган жонзот борки, мислсиз азобга дучор бўлар эди. Помпейликларнинг тўкин-сочин ва шод-хуррам ҳаётлари яқун топди, улар курган ахлоксиз жамият ер юзидан йўқ бўлиб кетди.

Помпейга эрамиздан аввалги VI асрда асос солинган. Савдо йўлида жойлашганлиги шаҳарнинг киска муддат ичида ривож топишига туртки бўлди, муҳим савдо-сотик ва саноат марказига айланди. Шаҳар бир неча даҳалардан иборат бўлиб, илгор меъморчилик услубларидан фойдаланилган холда барпо этилган эди. Турли маъбудларга бағишланган ҳашаматли ибодатхоналар, театрлар, 20 000 томошабинга мўлжалланган амфитеатр шаҳар кўрки ҳисобланарди. Помпейда ўттиздан ортик новвойхоналар ишлар, у ерларда ёпилган нонлар сотиш учун ён атрофдаги шаҳарларга ҳам жўнатиб турилган. Шунингдек, бу ерда жун газламалар ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга кўйилган эди.

Помпейликлар айш-ишратга муккасидан кетган халқ эди, фоҳишахоналар очик ишлар, баччавозлик ва ахлоксизликнинг ҳар қандай кўриниши уят саналмасди. Казишмалардан маълум бўлишича, помпейликлар хонадонлари эшигига шахвоний расмлар илиб кўйишни жуда яхши кўришган экан, бундан ташқари, уларини турли хайкаллар билан безашган, кундалик ишлатадиган буюмларини ҳам шахвоний кўринишда ясаттиришган. Помпейнинг донги бутун Рим империясига, кўйинги, кўшни салтанатларга ҳам ёйилган эди. Ишрат излаган одамлар бу ерга оқиб келарди. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, машҳур саркарда Ганнибал Италияга ҳужум қилган пайт унга Помпейни ҳам ишғол қилишни таклиф қилишади. Саркарда йўлга тушади, аммо манзилнинг ярмига етганида ортга қайтишга қарор қилади. Чунки Помпейни ҳеч бир кўшин ишғол қила олмаган эди. Ишғол қилганлари ҳам кейинчалик жанг қилишдан бош тортиб қолишарди. Сабаби оддий – ҳеч бир аскар «лаззат макони»ни ташлаб кетгиси келмасди. Одамлар бу кайфу сафо ҳеч қачон тугамаслигини жуда-жуда исташар эди.

Эрамизнинг 62 йилида Помпейда кучли zilзила юз берди, кейинги йиллар давомида бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Бу эса ўз навбатида юз йиллардан бери ухлаб ётган Везувийнинг яқин орада уйғонишидан дарак эди. 79 йилнинг 24 август тонгида Помпей осмонида кул булути пайдо бўлди. Ҳа, Везувий ўз қаҳрини ён атрофга соча бошлаган эди. Шундоқкина вулкон этагида жойлашган Геркуланум шаҳри кайнок лава остида қолди. Дам-бадам ернинг титраши, осмонда қора булутларнинг сузиб юриши помпейликларни кўпам ташвишга солмади. Улар ўзларини фалокатдан узок санаб, бу ваҳималар тез орада ўтиб кетишига ишонишган эди. Шунинг учун ҳам барча ўз юмуши

билан овра бўлди: новвойлар нон ёпишга тушиб кетишди, сотувчилар савдога тайёрланишди, фохишалар эса мижоз кутиб олишга. Ана шу гафлат уларни халокат томон етаклаб келди. 25 август тонгида Помпейда тирик жон қолмаган, шаҳар уч метрли қул қатлами остига қўмилиб қолган эди. Одамларнинг қочишга улгурмаганидан тушуниш мумкинки, халокат жуда қисқа муддат ичида юз берган.

Помпейда олиб борилган қазилма ишлари бу шаҳарда яшаган одамларнинг ахлоқан тубан қиёфасини очиб берди: фалокат яқинлашганини билса ҳам одамлар айш-ишратни тарқ этишмаган эди. Қўпчилик – ёшлар (хатто болалар) ҳам, қарилар ҳам бузукчилик устида тошдай қотиб қолган эди.

Аброр Машарипов тайёрлади.